



«ALSKOM» Сұғурта Компанияси АЖ  
Күзатув Кенгашининг  
Қарори билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»

2016 йил «28» ноябрдаги 17-сонли баённомаси

**“ALSKOM”  
СҰҒУРТА КОМПАНИЯСИ  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**

**2017 ЙИЛ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ**

Тошкент - 2016 йил

# КОМПАНИЯНИНГ 2017 ЙИЛ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

Мазкур сиёсат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 16 июлда 1982-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 3 июлдаги 68-сон буйруғи билан тасдиқланган “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Низомига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2008 йил 12 майда 1806-сон билан рўйхатга олинган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2008 йил 12 майда 1806-сон билан рўйхатга олинган “Суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари тўғрисида”ги Низомларига асосан Компанияниң инвестиция фаолиятига оид талабларини белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур инвестиция сиёстидаги қўлланиладиган асосий тушунчалар:

**диверсификация** - маблағлар ёки улардан олинадиган даромадларнинг эҳтимол тутилган йўқотишлар таваккалчилигини пасайтириш мақсадида Компания маблағларининг турли қўйилма обьектлари ўртасида тақсимланиши;

**инвестициялар** - фойда олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият обьектларига жойлаштириладиган Компанияниң ҳар қандай шаклдаги қўлга киритилган ёки назорат қилинадиган активлари;

**инвестиция фаолияти** - Компанияниң инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи;

**ликвидлик** - Компанияниң ўз мажбуриятларини бажариши учун маблағларининг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда уларни пул маблағларига тезлик билан конверсиялаш имконияти;

**масъул шахс** - инвестиция фаолиятини ташкил этиш бўйича мажбурият юклатилган Компанияниң ходими;

**фойдалилик** - Компанияниң инвестицияларидан даромад олиши;

**қайтарилиш** - Компанияниң маблағларини жойлаштиришнинг аниқ шароитларида инвестицион таваккалчиликни энг қуи даражага келтириш орқали имкон қадар юкори хавфсизлигини таъминлаш. Ушбу ҳолатда инвестицион таваккалчилик деганда инвестициялардан олинган ҳақиқий фойда мўлжалланган фойдадан паст бўлиши эҳтимоли тушунилади.

## II. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

1. Компанияниң инвестиция фаолияти мазкур инвестиция сиёсатига ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

2. Инвестиция сиёсати Компанияниң инвестиция портфелини бошқаришга ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга оширишда қўлланиладиган стратегияни ишлаб чиқишига йўналтирилган бўлиб, унинг асосий мақсади Компанияниң инвестиция фаолиятини ва амалга оширилаётган сугурта фаолиятини даромадлилигини таъминлаш ҳамда активларнинг ликвидлик даражасини сақлаб туришдан иборат.

Инвестиция сиёсати Компанияниң ўсиб бораётган молиявий эҳтиёжларини қондириш мақсадида сармояларнинг инвестиция йўналишларини белгилаб беради.

3. Инвестицияларни амалга оширишнинг мақсади – сармояларни инвестиция қилиш жараёнидаги хавфларни инобатга олган ҳолда Компанияниң жорий пул сармоялари хисобига фойда олишга бўлган эҳтиёжларини келгусида қондиришдан иборатdir.

4. Ушбу сиёсат Компанияниң инвестиция портфелини бошқариш ва амалга ошираётган инвестицияларининг мақсади ҳамда вазифасига аниқлик киритади, инвестицияларни амалга оширишга тўғри келадиган молиявий инструментлар доирасини белгилайди ва шу орқали инвестиция портфели таркибини такомиллаштиради.

5. Компания инвестиция фаолиятида ахборотларнинг шаффоғлиги ва конфиденциаллигини қонунчиликка мувоғиқ амалга оширади.

6. Сармояларни кимматли қоғозларга жойлаштириш Компанияга ўз активларини диверсификация қилиш ҳамда шу орқали хавф-хатарлар даражасини камайтириш, Компаниянинг потенциал даромадларини ошириш имкониятларини беради.

7. Инвестиция фаолиятини амалга оширишда улар билан боғлиқ хавф-хатарларни имкон қадар пасайтириш мақсадида Компания ташкилот ва корхона фаолияти мониторингини олиб бориш учун етарли тажрибага эга бўлиши керак.

8. Молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида Компания ўз активларини қайтарилиш, ликвидлилик, диверсификация ва фойдалилик принциплари асосида жойлаштиришни кўзлади.

### **III. ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

#### **1) Инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги асосий талаблар**

9. Компания инвестиция фаолиятини ташкил қилиш ва олиб бориши жараёнида тўлов қобилиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган таваккалчиликларни бошқариш тизимини ташкил қиласди ва уни доимий равишда назоратда олиб боради, бунда қуйидаги турли таваккалчиликлар ва рискларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизими ташкил қилинади:

инвестиция объектларининг хар бирини, жумладан, бирламчи навбатда Компания билан боғлиқ бўлмаган инвестиция обьеклари булган корхона ва ташкилотлар, кредит уюшмаларининг иқтисодий, молиявий фаолиятини ўрганиб таҳлил қилинган холда инвестиция йўналтириш ёки йўналтирмаслик ҳақида қарорлар қабул қилиш;

инвестиция йўналтирилган корхоналар, ташкилотларнинг молиявий ҳолатини ҳар чорақда тегишли давлат идораларида тасдиқланган ҳисоботларини олиб таҳлил қилиб бориш ва ушбу корхона, ташкилотлар молиявий ҳолатини ёмонлашгандиги кузатилган ҳолатларда йўналтирилган инвестиция маблағларини қайтариш чораларини кўриш;

инвестиция қўйилмаларининг даромадлигини ва шу оқибатда Компания тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларга йўл қўймаслик, бунда асоссиз равишда фоиз устамаларини пастга туширилишига, қайтариш саналарини ўзгартиш ёки фоиз тўловларини кечириб юбориш ҳолатларига йўл қўймаслик;

корхона ва ташкилотларга кафолатчи бўлиб қатнашиш жараёнида Компания тўлов қобилиятини етарлича таҳлил қилиш билан бир вақтда кафолат берилаётган корхона ва ташкилотларнинг ҳам иқтисодий, молиявий имкониятларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва Компания Кузатув Кенгашининг қарори бўлгани, ҳамда Компания молиявий имкониятлари ва тўлов қобилиятига салбий таъсир қилмайдиган ҳолатлардагина кафолатчи бўлиш ҳақида қарор қабул қилиш.

#### **2) Инвестиция объектлари**

10. Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 16 июля 1982-сон билан рўйхатга олинган “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисида”ти Низомнинг II-бўлимидан кўрсатилган инвестиция объектларига сармоялар киритади. Шунингдек, инвестицияларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган инвестиция фаолиятининг бошқа объектларига ҳам амалга ошириши мумкин.

11. Компания инвестицияларини барпо этилиши ва фойдаланилиши қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган объектларга инвестиция киритиш таъқиқланади.

### **3) 2017 йилда Компания активларининг инвестиция фаолияти объектлари, географик худудлар ва иқтисодиёт соҳалари бўйича тақсимланиш лимитлари**

12. Компания томонидан 2017 йилда иқтисодиёт объектлари бўйича ва соҳалари бўйича сармоялар жойлаштирилиши мазкур инвестиция сиёсатининг III боб З бўлимидаги кўрсатилган чекловларни бузмаган тартибда амалга оширилади.

13. 2017 йилда мамлакат худудларидағи инвестиция обьект (банк-молия ташкилотларига омонатлар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулклар ва ҳоказо)ларига сармоялар Компаниянинг бўш пул маблағлари ҳамда вилоят, туманлар ва обьектларнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Бунда инвестиция фаолиятига масъул шахс инвестиция обьектлари тўғрисида иқтисодий-таҳлил хulosасини тайёрлашда зарур бўлган маълумотларни йиғиши учун Компания худудий филиаллари раҳбарларини жалб этишга ҳақли.

14. Компания активларининг инвестиция фаолияти обьектлари бўйича муддатли, жумладан узоқ муддатли тақсимланиши қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Компания таъсисчилари (жисмоний шахслар), ходимлари ва бошқа боғлиқ шахсларга бериладиган қарз маблағлари узоғи билан 10 йил муддатга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорининг 50% дан кам бўлмаган устами тўловлар асосида берилади, бунда қарз берилган Компания ходими (таъсисчиси, боғлиқ шахс) билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган (таъсисчилар қаторидан чиқарилган ёки боғлиқ шахс қаторидан ўчирилган) тақдирда берилган қарзни ва фоиз тўловларини муддатдан олдин қайтариш шартлари билан берилади;

б) Компания таъсисчилари бўлган юридик шахсларга берилган қарз маблағлари узоғи билан 3 йилгача бўлган муддатдан ошмайди ва устами фоиз тўлови Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан кам бўлмаган кам бўлмаслиги керак. Бундай ташкилот таъсисчилар қаторидан чиқсан ҳолатида берилган қарз маблағи, фоиз тўловлари ҳам муддатидан аввал қайтарилади;

Компания Кузатув Кенгаши томонидан устами фоиз тўловлари Кенгаш қарорига асосан ўзгартирилиши мумкин.

в) юқори рейтингга эга ва ишончли бўлган ташкилотлар (банклар, мамлакат миқёсидаги йирик корхона ва ташкилотлар) устав фондида қатнашув муддати чегараланмаган, бунда ушбу ташкилотлар молиявий ҳолати тўғрисида ҳисоботлар талаб қилиниб доимий равишда таҳлил қилиб ўрганиб борилади ва корхона, ташкилотлар молиявий ҳолати ёмонлашгани ҳолатида тегишли қарорлар қабул қилиш;

в) банк сертификат ва депозит қўйилмалари муддатлари 5 йил муддатга қадар;

г) бошқа молия тузилмалари (лизинг, микрокредит ташкилотлари)га депозит қўйилмаларнинг муддати 3 йил муддатга қадар.

### **4) Инвестиция фаолиятида маълум бир обьектларга инвестиция қилишнинг чекловлари ва таъқиқлари**

15. Компаниянинг 2017 йилги инвестиция фаолиятидаги чекловлар ва таъқиқлар:

➤ Компаниянинг бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирган активларининг умумий суммаси, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Компания ўз маблағлари манбалари суммасининг 50 фоизи миқдори билан чегараланади, олдинги молиявий йил якуни бўйича халқаро аудитнинг ижобий хulosасини олган тижорат банкларининг устав капиталларида иштирок этиш бундан мустасно.

➤ Компаниянинг ҳар қандай битта юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиш улуши мазкур юридик шахснинг устав капиталининг 30 фоизидан ошмаслиги шарт (агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса), сугурта фаолияти, шунингдек

суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни амалга оширадиган шўйба корхоналар бундан мустасно.

➤ Компаниянинг активлари кўчмас мулк обьектларига жойлаштирилганда, унинг активларининг 50 фоизидан ортигини битта ер участкаси ёки кўчмас мулкнинг бошқа обьектига ёхуд битта обьект сифатида кўрилиши мумкин бўлган ер участкалари ва кўчмас мулк обьектлари мажмуига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

➤ Компаниянинг активларини банк омонатларига (депозитларига) жойлаштиришда, битта тижорат банкига жойлаштирилган омонат унинг активларининг 40 фоизидан ошмаслиги шарт.

➤ Компаниянинг активларини кредит ташкилотларида (тижорат банкларида ташқари) омонатларга (депозитларга) жойлаштиришда, омонатларнинг (депозитларнинг) умумий суммаси Компания активларининг 10 фоизидан ошмаслиги шарт.

➤ Компания активларини битта юридик шахснинг устав капиталига жойлаштириш ёки битта юридик шахса иштирок этиш бўйича бошқа ҳуқуқлари, агар қонун хужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, Компания активларининг 30 фоизидан ошмаслиги шарт.

➤ Компания ўз ходимларига қарзлар беришга ҳақли. Бунда берилган қарзларнинг умумий суммаси Компаниянинг устав капиталининг 10 фоизидан ошмаслиги шарт.

➤ Компания томонидан барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси устав капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги шарт.

➤ Компания томонидан битта боғлиқ шахсда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси, Компания устав капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги шарт, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

16. Компания актив(сармоя)ларини қўйидаги йўллар билан жойлаштириш таъқиқланади:

- интеллектуал мулкка қўйилмалар (дастурний таъминот, маълумотлар базаси, адабиёт, фирма номлари ва товар белгиларини харид қилиш бундан мустасно);

- мазкур инвестиция сиёсатда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар билан қарз шартномасини тузиш (молиявий ёрдам бериш).

17. Компания томонидан боғлиқ шахсларга имтиёзли шартларни тақдим этиш таъқиқланади. Имтиёзли шартларни тақдим этиш қўйидагиларни англаради:

- моҳияти, мақсади, ўзига хос хусусиятлари ва таваккалчилигига кўра, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқа шахслар билан, агар улар билан алоҳида муносабатлар бўлмаган тақдирда, тузмайдиган битимни тузиши;

- суғурталовчи (қайта суғурталовчи) фойдасига бошқа мижозлардан талаб килинадиган суммалардан кам бўлган фоизларни, бадалларни ундириш, инвестицияларнинг таъминоти сифатида гаровга қабул қилиш, шунингдек, бошқа тўловларни қабул қилиш;

- етарли асосларсиз инвестиция маблағларининг қайтарилишини кечикириш.

18. Компания активларни боғлиқ шахсларда фақат Компания Кузатув Кенгаши рухсати билан инвестиция қилинаётган маблағларнинг ликвидлиги, фойдалилиги ва қайтарилишини, шунингдек мазкур инвестиция сиёсати талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган техник-иқтисодий асосланиш (бизнес-режа) асосида жойлаштиради.

## **5) Масъул шахсга малакавий талаблар ва қарорларни қабул қилишдаги ваколат чегаралари ҳамда унинг вазифалари**

19. Масъул шахс Компания Бош директори томонидан тайинланади ва у қўйидаги малака талабларига мос келиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий (иқтисодий, молиявий, бухгалтерия, математик) маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун хужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги

олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий (иктисодий, молиявий, бухгалтерия, математик) маълумотга эга бўлиши;

б) юридик шахснинг молиявий ва иктиносиди фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши (ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларида иш стажи хисобга олинмайди).

в) Компанияда масъул шахс этиб, ушбу шахс томонидан амалга оширилган харакатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни мажбурий тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилишига олиб келганлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, банкрот деб топилган ёки суд томонидан уни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтгача бир йил мобайнида юридик шахснинг раҳбари, бош бухгалтери ёки ходими бўлган шахс тайинланишига йўл қўйилмайди.

г) бундан ташқари, инвестиция бўйича масъул шахсга Компания Бош директори томонидан қўшимча талаблар қўйилиши мумкин.

20. Масъул шахснинг қарорлар қабул қилишдаги ваколат чегаралари қўйидагicha:

Компания томонидан инвестиция объектларига сармоялар жойлаштиришда масъул шахс мазкур инвестиция сиёсати талаблари доирасида инвестиция объектлари тўғрисида ўзининг иктиносидий-таҳлил хуносасини ёзма равишда Бош директорга тақдим қиласди ва инвестиция объектининг соҳасига кўра сармоя киритиш бўйича қарор Бош директор ёки Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

21. Қимматли қоғозларга сармоялар жойлаштириш жараёнида зарур бўлса қўшимча равишда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларини жалб қилишга ва ундан инвестиция объектининг Фонд бозоридаги фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олишга ҳақли.

22. Инвестиция бўйича масъул шахс ҳар чорак якунида инвестиция портфели тўғрисида Компания Бош директорига ҳисбот беради. Ҳар йил якунида инвестиция портфелининг ҳозирги ҳолати ва бўш сармояларнинг навбатдаги йил учун бўлажак йўналишлари тўғрисида Бош директорни хабардор қиласди.

23. Масъул шахс Компаниянинг инвестиция объектлари ва турлари бўйича тақсимланиши, инвестицияларни жойлаштириш ва тугатиш саналари, фоиз ставкалари, олинган дивиденклар (фоизлар), битимлар бўйича фойдалар акс эттирилган инвестициялар бўйича ички ҳисботни юритади.

24. Масъул шахс бухгалтерия операцияларини ўтказмайди, пул маблағларини қабул қилмайди, бухгалтерия проводкалари солиштирмасини тасдиқламайди ва амалга оширмайди.

## **6) Масъул шахс томонидан экспертиза ўтказиш ва хулоса тайёрлаш тартиби**

25. Масъул шахс томонидан тайёрланадиган инвестиция обьекти ҳақидаги экспертиза хуносаси қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

- Инвестиция обьекти тўғрисида маълумотлар;
- Инвестиция обьектнинг таҳлили ва унга баҳо бериш;
- Хулоса.

26. Масъул шахс ўз хуносасининг тўғрилиги, обьективлиги ва асослилиги учун шахсан жавоб беради. Масъул шахсга ўз экспертиза хуносасини мазкур сиёсатнинг III қисм бўйлимида кўзда тутилган кўрсаткичлар асосида тайёрлаши мақсадга мувофиқ.

27. Инвестиция обьекти тўғрисидаги экспертиза хуносасини Компания бош директорига тақдим қиласди ва мазкур экспертиза хулоса бош директор томонидан тасдиқланади ҳамда инвестиция обьектига сармоя киритиш ёки киритмаслиги бўйича бош директор томонидан қарор қабул қилинади.

## **7) Инвестиция фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ таваккалчиликларнинг таҳлили ва инвестиция (қимматли қоғозлар, депозит, пай улуши, кўчмас мулк) портфелини шаклланиш жараёни**

## **Қимматли қоғозлар портфелини шаклланиш жараёни.**

28. Қимматли қоғозлар портфелининг шаклланиш жараёни ва унинг таҳлили қўйидаги босқичлардан иборат:

- сармоя киритиш учун объектнинг кўриб чиқилиши ва эмитент тўғрисида маълумот йиғиш;
- эмитентнинг тўлов қобилияти, активлари ликвидлигини ва молиявий ҳолатини таҳлил килиш орқали баҳо бериш;
- қимматли қоғознинг таҳлили, унинг устунлиги, айланиш муддати ва тартиби, ликвидлиги, даромадлилиги;
- масъул шахснинг экспертиза хуносаси ва қимматли қоғозларга йўналтирилаётган сармоя суммаси Компания соғ активлари миқдорининг 15 фоизидан ошганда Компания Кузатув Кенгашининг қарори.

29. Қимматли қоғозларга сармоя киритиш учун Компаниянинг инвестиция бўйича масъул шахси қимматли қоғознинг ликвидлилигини, даромадлилигини, муддатлигини, афзаллигини таҳлил қилиши билан бирга эмитентнинг молиявий имкониятлари таҳлили орқали қўйидагиларни аниқлаши тавсия қилинади:

- эмитентнинг ишлаб чиқариш фаолият соҳаси;
- ўзининг маҳсулоти сотиладиган бозори (талаб ва таклифни ўрганиб чиқиш);
- эмитент ўз асосий фаолиятини олиб бораётган соҳанинг монополизация даражаси;
- эмитентнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият даври;
- рақобатчилар мавжудлиги;
- эмитентнинг бозордаги ўрни;
- жойлаштирилган маблағларнинг эмитент томонидан тахминий ишлатилиш ўйналишлари;
- қимматли қоғозлар ва уларнинг фоизлари ҳамда дивиденд фоизлари бўйича тўловларни кайтариш манбалари;
- эмитент бизнес-режасининг таҳлили;
- ўтган даврдаги (йил, чорак, ой) молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили;
- қимматли қоғозларни таъминловчи гаровнинг таҳлили (ташкилотлар облигацияларига тегишли).

Шунингдек, эмитент молия-хўжалик фаолиятига баҳо беришда қўйидаги коэффициентларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- Ликвидлик коэффициенти;
- Молиявий барқарорлик коэффициенти;
- Тўлов қобилияти даражаси;
- Рентабеллик даражаси ва ҳоказолар.

30. Эмитентнинг молиявий ҳолатини таҳлил этишда нафакат битимнинг турли молиявий кўрсаткичларига, балки эмитентнинг кредит тарихига ва сўнгги йиллардаги молия хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичларига ҳам баҳо бериш тавсия қилинади.

## **Депозит(омонат) портфелини шаклланиш жараёни.**

31. Депозит(омонат) портфелининг шаклланиш жараёни ва унинг таҳлили қўйидаги босқичлардан иборат:

- сармоя киритиш учун объектнинг кўриб чиқилиши ва кредит ташкилоти тўғрисида маълумот йиғиш;
- кредит ташкилотининг тўлов қобилияти, активлари ликвидлигини ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш орқали баҳо бериш;
- кредит ташкилоти томонидан таклиф қилинаётган депозит (омонат тури)нинг таҳлили, унинг устунлиги, айланиш муддати ва тартиби, ликвидлиги, даромадлилиги;

➤ инвестиция бўйича масъул шахс томонидан депозитларга сармоялар киритиш тўғрисидаги экспертиза хulosаси ҳамда депозит(омонат) шартномаси суммаси Компания соф активлари миқдорининг 15 фоизидан ошганда Компания Кузатув Кенгашининг қарори.

32. Депозит(омонат)ларга сармоя киритиш учун Компаниянинг инвестиция бўйича масъул шахси депозит (омонат) турини, даромадлилигини, муддатлигини, афзалигини таҳлил қилиши билан бирга, кредит ташкилотининг молиявий имкониятлари таҳлили орқали қуидагиларни аниқлаши тавсия этилади:

- кредит ташкилотининг жойлашган географик ҳудуди;
- кредит ташкилотининг пул кредит бозоридаги фаолият даври;
- кредит ташкилоти томонидан жалб қилинган депозит(омонат)лари миқдори ва берилган кредитлари миқдори;
- кредит ташкилоти жойлашган географик ҳудуддаги рақобатчилар мавжудлиги;
- кредит ташкилотининг бозордаги ўрни;
- жойлаштирилган сармояларнинг кредит ташкилоти томонидан тахминий ишлатилиш йўналишлари;
- жойлаштирилган сармоялар ва унга ҳисобланган фоизлари бўйича тўловларни тугатилиш (қайтариш) манбалари;
- ўтган даврдаги (йил, чорак, ой) молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили;
- сармояларни таъминловчи гаровнинг таҳлили (депозитларнинг сугурталаниши).

Шунингдек, кредит ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятига баҳо беришда қуидаги коэффициентларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- Ликвидлик коэффициенти;
- Молиявий барқарорлик коэффициенти;
- Тўлов қобилияти даражаси;
- Рентабеллик даражаси ва ҳоказолар.

**Молия (лизинг ва микрокредит) ташкилотларига аъзолик (пай бадали, устав жамғармасида қатнашиш) улушларининг шаклланиш жараёни.**

33. Компания томонидан молия ташкилотларига аъзлик улуши сифатида сармоялар киритиш қуидагича:

- Пай улуши киритиш учун объектнинг кўриб чиқиш ва молия ташкилоти тўғрисида маълумот йиғиш;
- Молия ташкилотининг тўлов қобилияти, активлари ликвидлигини ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш орқали баҳо бериш;
- масъул шахснинг экспертиза хulosаси ва пай улуши суммаси Компания соф активлари миқдорининг 15 фоизидан ошганда Компания Кузатув Кенгашининг қарори.

### **Кўчмас мулкларга инвестицияларнинг шаклланиш жараёни.**

34. Компанияга кўчмас мулк сотиб олиш жараёнида сотиб олинаётган мулкнинг баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш бўйича хulosаси ва Компания соф активлари миқдорининг 15 фоизидан ошган тақдирда Кузатув кенгашининг қарори талаб этилади.

## **8) Инвестиция фаолиятини назорат қилиш**

35. Компаниянинг инвестиция фаолиятини назорати Компания ички аудити хизмати зиммасига юклатилади.

36. Ички аудит хизмати инвестиция фаолиятини таҳлил қиласи ва бу ҳақдаги хulosани йил якунида Кузатув Кенгашига тақдим қиласи.

## **9) Инвестиция фаолияти билан боғлиқ ёмон шароитлар оқибатларини юмшатишга оид фавқулодда ҳолатдаги тадбирлар режаси**

37. Компания сармояларни инвестицияга йўналтиришда эҳтимолли йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда заҳиралар ташкил қилишга ҳақли.

38. Сармоя киритилган инвестиция обьектидаги мониторинг қилиш жараёнида аниқланган ёмон шароитлар ва фавқулоддаги ҳолатлар деб қуидагилар тан олинади:

➤ инвестицияланган маблағнинг ўз вақтида қайтмаслиги;

➤ фоиз (дивиденд ва турли кўринишдаги фоиз)ларнинг ўз вақтида тўланмаслиги;

➤ инвестиция обьекти фаолиятини қисқа муддатга тўхташи ёки бутунлай тўхташи;

➤ инвестиция обьектининг бизнес-режада белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилмаслиги;

➤ инвестиция обьектининг молия-хўжалик фаолиятининг ёмонлашуви;

➤ инвестиция обьекти фаолияти ёмонлашуви тўғрисидаги (ёки инвестицияланган сармояни қайтишига таъсир этувчи омиллар) расмий ва норасмий манбалардан келиб тушган қўшимча маълумотлар орқали маълум бўлган тўсиклар;

➤ инвестиция обьекти фаолиятига таъсир қилувчи қонунчиликдаги ўзгаришлар.

39. Юқорида келтирилган ва шу каби инвестицияланган сармояни қайтишига тўсиқ бўладиган ҳолатлар аниқланганда Компания томонидан мазкур ҳолатларни бартараф этадиган ва яхшилашга доир чора-тадбирлар амалга оширилади. Лозим бўлса ушбу инвестиция сармоясининг қайтишига доир заҳираларни шакллантиради. Ушбу заҳираларни шакллантириш манбалари эса “Ўзлик маблағлари манбалари”да акс эттирилган заҳиралар ёки тақсимланмаган фойда ҳисобланади.

Шунингдек, кутилмаган вазиятлар вужудга келганда ёки олдиндан келишилган шартлар ўзгартирилиш ҳолатларида Компания дарҳол сармоя қилишдан ва сармоя орқали йўқотиладиган тўловларни таваккалини бартараф қилишга ёки қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

#### **IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

40. Мазкур сиёsat Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради, ҳамда 2017 йил давомида амал қиласи. Ушбу сиёsatга қўшимча ва ўзгартиришлар Кузатув Кенгаши қарори билан киритилиши мумкин.

41. Компания Инвестиция сиёsatida кўзда тутилмаган ҳолатлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.